# ЗАМИН СОҲИБЛАРИГА КАМАРБАСТА

(Боши 1-бетда)

Ислоҳотлар кўлами ва масъулияти банк учун ўз фаолиятини маълум маънода сарҳисоб қилиш ва янада ривожлантириш истиқболларини белгилашга сезиларли турткн берди, дейиш мумкин.

Ўтган йилги натижаларга кўз югуртирсак, банк хизматлари тадбиркорлик субъектларига яқинлаштирилганига ишонч ҳосил қиламиз, мижозлар орасида деҳқон ва фермер хўжаликлари сони кескин равишда ошишига эришилган. Жумладан, 2000 йил 1 январ ҳолатига банк томонидан 510 та деҳқон ва фермер хўжаликларига хизмат кўрсатилган бўлса, 2003 йил 1 январ ҳолатига бу кўрсаткич 2,5 мингтани ташкил этмоқда. Бу ҳол жойларда мини-банклар тармоғини кенгайтиришга олиб келди. Жумладан, ўтган уч йил мобайнида республикамизнинг турли минтақаларида 28 та мини-банк очилди.

Банк раҳбарияти бу борадаги ишларни кенгайтириш бўйича жиддий чораларни кўрмоқда. Шу йилнинг биринчи ярим йиллигида ҳам учта мини-банкни ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Банк хизматига кичик ва ўрта бизнес субъектларини кўпроқ жалб қилиш, ўз навбатида, банк активларининг бир маромда ошиб боришини таъминлаётир. Шундан келиб чиқсак, банк кредит қўйилмаларининг асосий қисми ҳам ана шу субъектларга ажратилиши табиий ҳолдир.

Ўтган даврда деҳқон ва фермер хўжаликларига жами 1295 миллион сўм кредит маблағлари йўналтирилди. Банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 708,7 миллион сўмлик, бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан эса 586,2 миллион сўмлик лойиҳалар молиялаштирилди. Унинг 780,5 миллион сўмини микрокредитлар ва 113 миллион сўмини бошланғич сармояни шакллантиришга ажратилган кредитлар ташкил этади. Бу кредитлар имтиёзли ҳисобланиб, улар фоизлар тўланмайдиган имтиёзли даври, устама фоизларининг пастлиги билан оддий тижорат кредитларидан фарқ қилиши билан бир қатор афзалликларга эга.

Деҳқон ва фермер хўжаликларига ажратилган кредитларнинг қарийб 96 фоизи ёки 1238 миллион сўми бевосита қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ лойиҳалар – чорвачилик ва деҳқончиликни ривожлантиришга ажратилган бўлса, қолган 4 фоизи ёки 56,8 миллион сўми уларга хизмат кўрсатувчи соҳага йўналтирилди. Натижада республикамиз бўйича 2,5 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида жойлашган "Меллон" фермер хўжалигига 2002 йилнинг апрелида гўшт маҳсулотлари етиштириш учун 40 миллион сўм кредит ажратилган эди. Мазкур маблағлар ҳисобига чорвачилик комплекси қуриб битказилиб, 15 киши иш билан таъминланди, ўтган қисқа давр ичида хўжалик маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш ҳисобидан 9,5 миллион сўм фойда олишга эришди.

Нурота туманида ташкил этилган "Ғавсул Аъзам" фермер хўжалиги қоракўл тери етиштиришни кенгайтириш мақсадида 2001 йилнинг бошида 8 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, қарамоғидаги қўйлар бош сонини 1,5 баробарга оширишга эришди. 13 нафар қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди. Фермер хўжалиги биринчи йилнинг ўзидаёқ 6 миллион сўмлик маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб берди.

Ёки бошқа бир мисол. Бухоро вилоятидаги "Чўпон ота" фермер хўжалигига 2002 йилнинг июн ойида 4 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Ишни оқилона ташкил этиш ҳисобига хўжаликда 15,4 миллион сўмлик гўшт, 1,9 миллион сўмлик сут, жами 17,3 миллион сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Қўшимча 3 та ишчи ўрни ташкил этилиб, хўжаликда ҳар бир сўм кредит ҳисобига 4,3 сўмлик маҳсулот тайёрланиб сотилди.

Банк қишлоқ тадбиркорларининг лойиҳаларини имтиёзли тартибда молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ушбу мақсадда банк Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, "Бизнес-фонд", Бандлик жамғармаси билан бош битимлар имзолаган бўлиб, бундай ҳамкорлик ўз ижобий самарасини бермоқда. Масалан, банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали томонидан Нукус туманидаги "Жазли" фермер хўжалигига 2001 йил бошида чорвачиликни ривожлантиришга 10 миллион сўмлик узоқ муддатли имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Ўтган икки йилда мазкур хўжалик томонидан 150 миллион сўмдан зиёд маҳсулотлар мамлакатимиз истеъмол бозорига етказиб берилди.

Сирдарё вилоятидаги "Мустафо" фермер хўжалигига ўтган йилнинг баҳорида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 15,5 миллион сўм миқдорида "Алтай" русумидаги трактор сотиб олиш учун имтиёзли кредит ажратилди. Олинган техникадан самарали фойдаланган фермер томонидан 8 ой давомида вилоятдаги бошқа деҳқон ва фермер хўжаликларига 10,6 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш асосида экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи истеъмол моллари ишлаб чиқариш корхоналарини кредит маблағлари билан таъминлаш банк инвестицион сиёсатининг муҳим бўғинларидан биридир.Бир мисол: Наманган вилоятидаги "Олтин водий" фермер хўжалигига 2001 йили 15 миллион сўм миқдорида кредит ажратилган эди. Кредит ресурсларидан самарали фойдаланилгани боис хўжаликдаги қорамолларнинг сони бугунги кунда беш баробар кўпайишига эришилди. Ана шу давр ичида хўжаликнинг низом жамғармаси 3,5 марта ошиб, 34,9 миллион сўмга етди. Қисқа муддатларда пишлоқ ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди, сут маҳсулотларини "Nestle" қўшма корхонасига топшириш йўлга қўйилди. Хўжаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг йиллик ҳажми 21,3 миллион сўмни ташкил этди.

Таъкидлаш зарурки, иқтисодий ислоҳотлар жараёнида қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган барча корхоналар ҳам ўз ўрнини топишга ва барқарор ривожланишга эришолмай банкротликка дучор бўлмоқда. Ана шундай корхоналарни қайта тиклаш, уларга янги умр бахш этишга банк ходимлари алоҳида эътибор бермоқда. Хусусан, Қашқадарё вилоятидаги "Чилонзор" корхонаси ўтган йил бошида банкротликка юз тутган, 400 минг бош парранда боқишга мўлжалланган "Қарши парранда" корхонасининг ишлаб чиқариш ва асосий воситаларини харид қилиб, банкка мазкур корхонани тиклашга кредит сўраб мурожаат қилган эди. Бугунги кунга келиб, лойиҳанинг 92,8 миллион сўмлик қисми молиялаштирилди, корхонада 40 дан ортиқ ишчи ўрни яратилди ва маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Банкнинг 2003 йилга мўлжалланган кредит сиёсатида маҳаллий хомашёни қайта ишлаб, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қишлоқда хизмат кўрсатиш соҳаси, деҳқон ва фермер хўжаликларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш асосий ўрин тутган. Мини-банклар тармоғини кенгайтириш билан бир қаторда банк амалиётида лизинг операцияларини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Қишлоқ хўжалигининг тараққиёти, ернинг чинакам эгалари саналган деҳқон ва фермер хўжаликларининг дадил оёққа туришлари учун кенг кўламда ёрдам бериш "Замин" банки мавқеини оширувчи ва унинг мамлакатимиз молия бозоридаги ўрнини мустаҳкамловчи омил бўлиб қолади.

**(Ўз мухбиримиз).**

**Деҳқон ва фермер хўжаликлари соҳиблари, Сизлар учун!**

## ПУРКАГИЧЛАР КЕРАКМИ, МАРҲАМАТ!

Боғлар, сабзавот пайкаллари, узумзорлар, иссиқхоналар ва шахсий ҳовли-жойлардаги дов-дарахтлар ҳосилини турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончли ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, енгил ва қулай қилиб ишлаб чиқарилган пуркагичлардан фойдаланинг. "Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг" компанияси таркибидаги "Агрихим" Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасида тайёрланаётган бундай пуркагичлар "Ўздавстандарт" томонидан сертификатлаб берилган ва улардан беш йилдан бери муваффақиятли фойдаланиб келиняпти.

***Манзил: Тошкент ш, С.Машҳадий кўчаси, 210-уй. Мўлжал шампань винолари заводи. Автобуслар: 16, 21, 30. Тел: (99871) 169-35-46, 169-49-33. Факс: 169-49-44.***

## "ОҲАНГАРОНДОН" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**2003 йил 10 апрел соат 8.00 да корхонанинг мажлислар залида "Оҳангарондон" ОАЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 7.00 дан бошлаб амалга оширилади.**

**Манзил: Оҳангарон шаҳри, Унчилар кўчаси, 1-уй.**

**Умумий мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2003 йил 11 март ҳолати билан ёпилади.**

**КУН ТАРТИБИ:**

1. "Оҳангарондон" очиқ акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши ҳисоботи;
2. Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш;
3. Жамият ижро органларининг 2002 йилда олиб борган ишлари, 2002 йил "Бизнес режа"сида белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилиши бўйича ҳисоботи ва 2003 йил учун тақдим этилган "Бизнес режа"ни тасдиқлаш;
4. Ижро органи раҳбарини ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини 2003 йилга тузиш;
5. Жамият фаолиятига тегишли барча ички меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш тўғрисида (жамият Низоми, акциядорларнинг Умумий йиғилиши, акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши, Ижро этувчи органи тўғрисидаги ва бошқа меъёрий ҳужжатлар);
6. Жамият тафтиш комиссиясининг 2002 йил якунлари бўйича ҳисоботи;
7. 2002 йил якуни аудиторлик хулосаси ва 2003 йилга жамият аудиторини тасдиқлаш;
8. 2002 йилдаги корхона молиявий фаолиятининг натижалари ва дивиденд миқдорини белгилаш тўғрисида;
9. Жамият ижро органи аъзоларини қайта сайлаш;
10. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини қайта сайлаш;
11. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига рағбатлантириш миқдорини белгилаш.

### "ОҲАНГАРОНДОН" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 2002 ЙИЛГИ БАЛАНСИ

| | Кўрсаткичлар номи | Ҳисоб йили бошига | (минг сўм) Ҳисоб даври охирига |
|---|---|---|---|
| | АКТИВ | | |
| 1. | Узоқ муддатли активлар | 1229066 | 1911525 |
| 2. | Оборот активлари | 5308923 | 5276334 |
| 3. | Баланснинг активи бўйича жами | 6537989 | 7187859 |
| | ПАССИВ | | |
| 1. | Ўзлик маблағларининг манбалари | 3033221 | 4167896 |
| 2. | Мажбуриятлар | 3504768 | 3019963 |
| 3. | Баланснинг пассиви бўйича жами | 6537989 | 7187859 |

| Кўрсаткичлар | Ҳисобот даврида | |
|---|---|---|
| | даромаллар | харажатлар |
| Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум | 11441389 | - |
| Сотишдан олинган соф тушум 010-020-030-040 | 9534491 | - |
| Сотилган маҳсулот, иш ва хизматларнинг ишлаб чи қариш таннархи | - | 7848303 |
| Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа 050-060 | 1686188 | - |
| Сотиш харажатлари | - | - |
| Маъмурий харажатлар | - | 32856 |
| Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнлардан харажатлар | - | 668696 |
| Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси (фойда ёки зарар) | 984636 | - |
| Бошқа олинган дивидендлар | 54 | - |
| Молиявий фаолият бўйича бошқа даромад ва харажатлар | - | - |
| Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси | 984690 | - |
| Солиқ тўлангунга қадар умумий молиявий натижа | 984690 | - |
| Фойда (даромад)дан солиқ | - | 360768 |
| Ҳисобот давридаги соф фойда (зарар) | 623922 | - |

*Жамият йиллик баланси "Дунё-Аудит" аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган.*

*КУЗАТУВ КЕНГАШИ.*

## ВНИМАНИЮ АКЦИОНЕРОВ ОАО "ЭЛЕКТРКИМЁСАНОАТ"

**Собрание акционеров состоится 8 апреля 2003 года 16$^{00}$ в г.Чирчике зале заседаний ОАО "ЭЛЕКТРКИМЁСАНОАТ"**

ПОВЕСТКА ДНЯ:

1. Отчет Наблюдательного Совета за период работы 2002 года;
2. Перевыборы Наблюдательного Совета;
3. Отчет председателя правления ОАО "Электрокимёсаноат" Сайдахмедова Х.А. об итогах деятельности за 2002 год;
4. Утверждение бизнес-плана на 2003 год;
5. Утверждение бухгалтерского баланса, счета прибылей и убытков за 2002 год;
6. Утверждение распределения прибыли, размера дивидендов и формы его выплаты;
7. О продлении договора найма на 2003 год с Председателем правления Сайдахмедовым Х.А.
8. Утверждение Устава в новой редакции;
9. Утверждение аудитора общества.

***Реестр акционеров закривается 6 марта 2003 г. Список акционеров имеющих права участья в общем собрание составлен на 6 марта 2003 г. С информаций акционеры могут ознакомится в правлении ОАО по указенному адресу.***

***Регистрация акционеров проводится 8 апреля 2003 г. с 15$^{00}$***

**Наблюдательный Совет ОАО "Электрокимёсаноат"**

## "ЧИНОЗДОН" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"ЧинозДон" ОАЖ кузатув кенгаши маълум қиладики, 2003 йил 5 апрел соат 11.00 да "ЧинозДон" ОАЖнинг 2002 йил якуни бўйича акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилади.

***КУН ТАРТИБИ:***

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сонли "Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиқадиган асосий вазифалар тўғрисида;
2. Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботи;
3. Кузатув кенгаши раиси ва аъзоларини қайта сайлаш;
4. Жамият ижро органининг 2002 йилда олиб борган ишлари, 2002 йил бизнес-режасида белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилиши бўйича ҳисоботи ва 2003 йил учун тақдим этилган бизнес-режани тасдиқлаш;
5. Ижро органи раҳбарини ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномаси муддатини 2003 йилга узайтириш ёки қайта сайлаш;
6. Акциядорлик жамиятининг низом жамғармасини 50000 АҚШ долларига эквивалент суммага етказиш ёки бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга айлантириш тўғрисида;
7. Жамият фаолиятига тегишли барча ички-меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш тўғрисида;
8. Акциядорлик жамияти тафтиш комиссиясининг 2002 йил якунлари бўйича ҳисоботи;
9. 2002 йил якуни бўйича аудиторлик хулосаси ва 2003 йилда жамият аудиторини тасдиқлаш тўғрисида;
10. 2002 йилдаги корхона молиявий фаолиятининг натижалари ва дивидендларнинг миқдори тўғрисида;
11. Акциядорлардан тушган бошқа масалалар.

**Манзил: Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Янги Чиноз қўрғони, Бўстон кўчаси, 1-уй. "ЧинозДон" ОАЖ биноси.**

**"ЧинозДон" ОАЖ Кузатув кенгаши.**

### БАЛАНС ОАО "ЧИНОЗДОН" за 2002 ГОД

| НАИМЕНОВАНИЕ | АКТИВ | ПАССИВ |
|---|---|---|
| Основные фонды по остаточной стоимости | 58004 | |
| Капитальные вложения | 68319 | |
| Долгосрочные инвестиции | 92501 | |
| Производственные запасы | 49235 | |
| Готовая продукция | 9718 | |
| Товары для перепродажи | 32052 | |
| Денежные средства | 282 | |
| Расчеты с покупателями и заказчиками | 19206 | |
| Авансовые платежи | 488349 | |
| Расчеты с ассоциированными предприятиям | 702396 | |
| Прочие дебиторы | - | |
| Уставный капитал | | 28562 |
| Добавленный капитал | | 75494 |
| Резервный капитал | | 50133 |
| Нераспределенная прибыль | | 9735 |
| Целевые поступления и фонды | | 4277 |
| Долгосрочные кредиты | | 84895 |
| Поставщики | | 39316 |
| Задолжность по бюджету | 3688 | 1813 |
| Задолжность по оплате труда | | 2289 |
| Задолжность по соц.страх. | | |
| Задолжность по внебюджетным платежам | | 2662 |
| Задолжность ассоциированным предприятиям | | 1224214 |
| Прочие кредиторы | | 360 |
| ИТОГО | 1523750 | 1523750 |

# СПОРТ ОЛАМИДА

## ЖАМОА РЎЙХАТИДА АШУРМАТОВ ЙЎҚ

***"Пахтакор" жамоасининг моҳир ҳимоячиси, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Бахтиёр Ашурматов жорий йилги ўқув-машғулот йиғинларини Россиянинг "Ростсельмаш" таркибида ўтказаётганди.***

Куни кеча "Ростсельмаш" клуби раҳбарияти жамоа таркиби рўйхатини эълон қилди. Қизиғи шундаки, рўйхатда Бахтиёрнинг номи эълон қилинмаган. Дарвоқе, ўтган йилги мавсумни "Ростсельмаш" таркибида ўтказган яна бир ҳамюртимиз Сергей Лушан ҳам жорий йилда бошқа жамоа сафида тўп суради.

## СУЗИШ МУСОБАҚАСИ

***"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Собир Раҳимов туман бўлими хайрли ташаббусга қўл урди. Ўсмир қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш мақсадида тумандаги барча мактабларнинг 13-14 ёшли қизлари иштирокида сузиш мусобақаси уюштирилди.***

"Булоқ" сузиш мавзесида ўтказилган ушбу мусобақада 310-мактаб қизлари жамоаси бошқа рақибларига нисбатан маҳоратлироқ эканликларини исботлашиб, биринчи ўринни эгаллашди. Шунингдек, 191-мактаб қизларига иккинчи, 159-мактаб жамоасига учинчи ўрин насиб этди. Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорларга мутасаддиларнинг эсдалик совғалари топширлди.

## БОЛАЛАР СПОРТИГА ҲОМИЙЛАР КЎМАГИ

***Болалар ва ўсмирлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш муҳим масала эканлиги ҳеч кимга сир эмас.***

Шу боисми, ҳозирда мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида фаоллар, ҳомийлар бу борада бажарилиши лозим бўлган ишлар юзасидан ўзаро фикрлашиб олмоқдалар. Пойтахт вилоятининг Бўстонлиқ туманида 51 та мактаб, 3 та футбол ўйингоҳи мавжуд бўлса-да, ушбу мактабларнинг бор-йўғи 29 тасидагина спорт зали бор, 39 мактабдаги мавжуд ўйингоҳлар таъмирга муҳтож, талабга жавоб бермайди. Шу боис ҳам яқинда туман фаоллари, болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими раҳбарлари иштирокида уюштирилган тадбирда Бўстонликдаги 80 та спорт иншоотларини қайта таъмирлаш зарур эканлиги таъкидланди. Ҳомийлар ташаббуси билан ҳозирча мактабларга зарур миқдордаги спорт кийим-кечаклари ва инвентарлари етказиб бериладиган бўлди. Ушбу вазифани амалга ошириш учун эса ҳомийлар томонидан 12 миллион сўм маблағ ажратилади.

## ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

***Самарқанд шаҳридаги туризм ва маиший хизмат коллежи спорт мажмуида ўсмирлар ўртасида қўл тўпи бўйича вилоят босқичи беллашувлари бўлиб ўтди.***

Ўғил болалар ва қизлар ўртасида уюштирилган ушбу баҳсларда ўғил болалар ўртасида биринчи ўрин Самарқанд туризм ва маиший хизмат коллежи жамоасига, иккинчи ўрин Самарқанд II-педагогика коллежи жамоасига, учинчи ўрин эса Каттақўрғон педагогика коллежи йигитларига насиб этди.

Қизлар ўртасида кечган муросасиз беллашувларда эса барча рақибларини мағлубиятга учрата олган Самарқанд темирйўл транспорти коллежи жамоаси вилоят ғолиблигига сазовор бўлди. Самарқанд II-педагогика коллежи ҳамда Каттақўрғон педагогика коллежи жамоалари иккинчи, учинчи ўринлар билан кифояланишди.

## ЁШ ОҒИР АТЛЕТИКАЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

***Самарқанд вилоятининг "Темирйўлчи" ("Локоматив") спорт мажмуасида ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими ўқувчилари ўртасида ташкиллаштирилган "Баркамол авлод" спорт ўйинлари вилоят босқичининг оғир атлетика мусобақалари ўтказилди.***

Унда ўз ҳудудларида ғолибликни қўлга киритган 8 та жамоа штангани силтаб ва даст кўтариш бўйича ўзаро куч синашди. Саккиз вазн тоифасида давом этган ушбу баҳсларда А.Маматқулов (51 килограмм), А.Маликов (56 килограмм), Д.Амриддинов (62 килограмм), Ф.Маматқулов (69 килограмм), Х.Вафоев (77 килограмм), А.Худойқулов (85 килограмм), Ш.Ҳасанов (94 килограмм), И.Нормуродов (91 килограмм)-лар биринчи ўринни қўлга киритиб, "Баркамол авлод" спорт ўйинларининг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

## ЛЬЮИС ТАЙСОНСИЗ ҲАМ РИНГДАН КЕТИШИ МУМКИН

***Англиялик оғир вазнли профессионал боксчи Леннокс Льюис яқин вақт ичида катта рингни тарк этиши мумкин.***



WBC ва IBF йўналишлари бўйича жаҳон чемпиони саналган 37 ёшли Льюис BBC компаниясига берган интервьюсида бу борада бир қарорга келиши мумкинлигини айтган. Унинг нияти профессионал рингда ҳеч қачон кузатилмаган кучли боксчи сифатида тарихда қолишдир. "Тайсонни мен билан такрорий жанг ўтказишига мажбур қилмайман. Чунки бу кўпроқ унга боғлиқ. Устига-устак, Майк ҳали мен билан учрашишга тайёр эмаслигини билдирган", деди англиялик боксчи.

## КЛИЧКОГА ХОЛИФИЛЬД ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

***Бутунжаҳон боксчилар кенгаши (WBC) украиналик Виталий Кличкога Эвандер Холифильд билан жанг ўтказишни таклиф этди.***



Кенгаш раҳбари Хосе Сулаймоннинг айтишича, унинг ташкилоти қонун-қоидаларига кўра, рейтинг бўйича биринчи ўринда турган Кличко билан чемпионлик учун расмий талабгор ўртасида фарқ бўлади. Кличко эса расмий талабгор сифатида эълон қилинмаган.

Лекин, шу ўринда бир савол туғилади. Нима учун Кличко Льюис билан учрашиш йўлида рейтинг бўйича 2-ўринда турган Хассим Раҳмон билан эмас, 3-ўриндаги Холифильд билан жанг ўтказиши керак? Кузатувчиларнинг фикрича, кенгашнинг бундай қарорини Льюисни кучли рақиблардан тўсиб қолишдир, дея баҳолаш мумкин. Эслатиб ўтамиз, Льюис апрел ойида Кличко билан жанг ўтказишдан бош тортиб, Тайсон билан учрашиш нияти борлиги маълум бўлгандан сўнг, Виталий WBC ўз қонун-қоидаларига амал қилмаяпти, дея ушбу ташкилотни судга берган эди.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги томонидан 2001 йил 5 январдаги 7-қарорга асосан Шамсиева Дилфуза Тошпўлатовна номига берилган хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат этувчи № 515737 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан 2002 йил 31 июлда Сыдыкова Миясcар Муминовна номига берилган № 747 рақамли патент йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги 11-ўрта мактаб томонидан 1994 йили Пардаев Уткир Булакович номига берилган А – 560309 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"Ўзпаррандасаноат" уюшмаси жамоаси уюшма ветеринария бошқармаси бошлиғи А.Содиковга онаси **ИНОБАТ АЯ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# СИЗГА БАХТДАН ТАХТ ТИЛАЙМИЗ!

## ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

ҚИССА

Ўткир ХОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

(Боши ўтган сонларда)

-Ўша бола кейин онасини хафа қилмабдими?

-Йўқ, ҳечам хафа қилмабди. – Ойим узоқ жимиб қолади, кейин секин давом этади. – Кўрдингми, одам энг аввало ўзининг яқинларини яхши кўриши керак. Дунёда яхши одамлар кўп. Жудаям кўп. Аммо сен адангни, опангни, акаларингни яхши кўрмасанг...

-Сизниям, - дейман унинг гапини бўлиб.

-Мениям... – дейди онам кулиб. – Мениям яхши кўрмасанг, дунёда ҳеч кимни яхши кўролмайдиган бўлиб қоласан.

-Уйимизниям, - дейман маҳмадоналик қилиб.

Ойимни жаҳли чиқмайди.

-Уйимизниям, - дейди маъқуллаб. - Ўз уйимизни яхши кўрмасанг, юз қаватли уйларниям яхши кўролмайсан.

-Энди чакка ўтмайдими, ойи?

-Томданми? Аданг тузатиб тушдилар-ку. Энди ўтмайди.

Сукунат чўкади. Хаёл сураман. Юз қаватли уй қанақа бўлишини ўйлайману сира кўз ўнгимга келтиролмайман.

-Ойи, - дейман секин. – Тошкентда юз қаватли уй борми?

-Йўқ.

-Москвада-чи?

-Бор бўлса керак.

-Москва энг катта шаҳарми?

-Энг катта шаҳар.

-Ундан каттаси йўқми?

-Бўлса бордир. Сен ўша шаҳарларни яхши кўриш учун Тошкентни яхши кўришинг керак. Тошкентни яхши кўриш учун ўзимизнинг Дўмбирободни яхши кўргин, хўпми.

-Хўп. Нега?

-Катта бўлганингда тушунасан, - ойим пешонамни силайди. Негадир хўрсинади.

Бутунлай уйқум ўчиб кетади.

-Ойи, - дейман яна. – Дарё каттами, денгизми?

-Денгиз.

-Дарё-чи?

-Уям катта.

-Ўзимизнинг Қонқусдан ҳам каттами?

-Катта.

-Хўжа айтадики, Чирчиқда дарё бормиш...

Ойим кулади.

-Энди ухла, болам.

Уйқу қаёкда? Нуқул дарёларни ўйлайман.

-Ёзда-чи, - дейман эсимга тушиб. – Вали Қонқусда оқиб кетай деган. Акам олиб чиққан!

-Бири бир, - дейди ойим ўйчан оҳангда. – Қонқусниям яхши кўргин.

-Нега?

-Нега деганда, Қонкус ўзимизнинг анҳор. Ундан ўзимиз сув ичамиз.

-Ўшанақа қилсам, бошқа дарёларниям яхши кўриб қоламан-а?

Ойим тағин кулади.

-Албатта.

-Кучугимниям яхши кўрай-а?

-Яхши кўргин, ўғлим.

-Ойи, Адҳам жинни-а?

-Нега?

-Кеча-чи, мушукни муз билан урди.

Мушук чўлоқ бўлиб қолди.

-Жониворларга озор бериб бўлмайди, болам. Бўлди, энди ухлаймиз.

-Хўп... Катта бўлсам, ка-а-атта шаҳарларга бораманми?

-Борасан, ўғлим, борасан, - ойим секин-секин мудраб кетади.

Нимқоронғи шифтга тикилиб ётганча хаёл сураман. Гоҳ катта шаҳарларга бориб қоламан, гоҳ дарёларда сузаман. Бешик ғичирлайди. Укам йиғлай бошлайди. Ойим дарров уйғонади. Бешикни оҳиста тебратиб, алла айтади. Ойим укамга алла айтади-ю, оҳангига мен ухлаб қоламан...

Ҳақиқат ҳавога ўхшайди. Нафас олиб турасизу, ўзини кўрмайсиз. Ўйлаб қарасам, ойим гўдаклигимда қайта-қайта айтиб берган мана шу икки афсона ҳаётдек оддий, ҳаётдек чуқур ҳақиқат экан.

### ГИЛАМ ПАЙПОҚ

Ҳар йили дам олишга борганимда онамга гилам пайпоқ олиб келаман. Кавказ томонда кўп бўлади. Жуба дейишади, жураби дейишади. Ойим худди ноёб нарсага эга бўлгандек, узундан-узоқ дуо қилади. Шундоқ меҳрибон ўғли борлигини айтиб қўшниларга мақтанади. Унинг оёғи касал. Салқин тушиши билан шишиб кетади, оғрийди.

Қуни-қўшнилар аҳвол сўраса, уларниям, ўзиниям юпатади.

-Ҳа, энди кексалик-да, ўргилай.

Лекин онамнинг оёқ оғриғи фақат кексаликдан эмас. Буни бошқалар билмаса ҳам, мен биламан. Яхши биламан.

Болалигимда кўп касал бўлардим: қизамиқ, кўкйўтал, безгак... Шунинг учун ошхонадаги михда кўк қарғанинг патидан тортиб, гултожихўрозгача илиғлик турарди... Айниқса, томоқ оғриғи ёмон қийнайди. Оёғим захга тегиши билан томоғим оғришга тушади. Оёқ билан томоқнинг нима алоқаси борлигини ҳалиям тушунолмайман.

Ўшанда неча ёшлигим эсимда йўқ. Бирок жуда кичкина эдим. Бир куни акаларим билан яхмалак ўйнаб терлаб кетдим. Терлаб туриб муз едим. Кечқурун иситма кўтарилди. Кув-кув йўталаман. Ойим томоғимни аччиқтош билан чайиб кўрди, бўлмади, туршак қайнатиб сувини ичирди, бўлмади... Охири томоғим хиппа бўғилиб қолди. Оғриқни сезмайману нафас олишга қийналаман. Ҳушимдан кета бошлаганимни эс-эс биламан. Қулоғим остида онамнинг чирқиллаб йиғлагани, ҳадеб бир гапни қайтараётгани эшитилади:

— Вой, энди нима қиламан! Вой, болам ўлиб қолади!

Кейин мени шоша-пиша кўрпачага ўради. Бир маҳал онамнинг қўлида кетаётганим эсимда бор. Гупиллатиб қор ёғаётганини ҳис этиб турардиму, бирок юзимга қор тушмас эди. Онамнинг иссиқ нафаси урилиб турар, у сирғаниб-сирғаниб борар, оғир ҳансирар эди.

Хира чироқ милтираб турган аллақандай уйга кирдик. Кўз ўнгим яна қоронғилашиб кетди. Ойим ҳамон чирқиллайди.

— Ўлиб қолади! Болагинам ўлиб қолади!

— Ваҳима қилманг, пошша, дардни берган Худо, давосиниям беради.

Бу ҳожи бувининг овози эканини ғира-шира идрок этдим.

Ҳожи буви бошимни тиззасига қўйиб чалқанча қилиб ётқизди. Дока ўралган бармоғини оғзимга тиқди. Кўнглим ағдарилиб, типирчилаганча йиғлар, аммо ҳожи бувининг қўлидан чиқиб кетолмасдим. У томоғимга нимадир қилди. Дод солиб қўлини тишлаб олдим. Қизиқ, бирпасдан кейин аҳволим енгиллашди. Кўзимни очсам, ҳожи буви жилмайиб турибди.

— Нега тишлайсан, кучуквой? — деди бошимни силаб.

Кейин тепамга ойим энгашди. У ҳамон ҳансирар, сочлари тўзғиб кетган, юзи жиққа ҳўл эди.

Бирпасдан кейин қаддимни ростлаб, танчага оёғимни тиқиб ўтирдим. Ҳожи буви аллақандай тахир суюқлик ичирди. Кейин ойимга қаради-ю, бирдан хитоб қилди.

— Вой пошша-а-а! Нима қилиб қўйдингиз, тамом бўпсиз-ку!

Ойим талмовсираб, гоҳ менга, гоҳ ҳожи бувига қарар эди.

— Оёғингиздан айрилибсиз-ку! — деди ҳожи буви бошини чайқаб. — Шу аҳволда қандоқ келдингиз?

Кавшандозда турган ойимнинг калишини энди кўрдим. Калишнинг ичи қорга тўла эди.

— Сарпойчан келавердингизми?! — деди ҳожи буви ҳамон ўша ваҳимали оҳангда. — Энди нима қиласиз? Қарғанинг миясини чақиб сурмасангиз, чўлоқ бўлиб қоласиз.

Ойим танчадан оёғини чиқарди. Иккала оёғи қип-қизил гушт бўлиб кетган эди.

— Совуқ егани йўқ, — деди секин. — Қайтага исиб кетди. Қорда ўзи исиб кетаркан.

Ҳожи буви унинг оёғини уқалаб кўрди.

— Сезяпсизми?

— Нимани? — деди ойим оёғига эмас, менга қараб.

— Қўлимни сезяпсизми?

Ойим индамай бош чайқади-да, пиқиллаб йиғлаб юборди.

...Эртасига у ётиб қолди. Узоқ ётди. Дадам бир жойдан қарға отиб келди. Ҳожи буви қўлидан келганча дори-дормон қилди... Кейин ойим тузалди. Бирок салқин тушиши билан оёқлари шишиб, азоб берадиган бўлиб қолди...

Ҳар йили дам олишга борганимда онамга гилам пайпоқ олиб келардим. У худди ноёб нарсага эга бўлгандек, узоқ дуо қилади, бирпасда ҳамма қўшниларга кўз-кўз қилиб чиқади, шундоқ «меҳрибон» ўғли борлигини айтиб мақтанади. Шунда қор гупиллаб ёғиб турган мудҳиш кеча, онамнинг қип-қизил гўштга айланиб кетган оёқлари кўз ўнгимга келади-ю, индамай чиқиб кетаман.

(Давоми кейинги сонларда)

"Пахта Банк"нинг Янгиариқ туман бўлими кўп сонли мижозлари бўлим ҳисобчиси Саломат Қурбонова кўрсатаётган хизмати ва хушмуомалалигидан мамнундирлар. Банк фаолиятини яхшилаш, ёш мутахассислар тажрибаларини оширишда унинг хизмати каттадир.



СУРАТДА: Саломат Қурбонова иш устида.

Ш.ОЛЛАНАЗАРОВ олган сурат.

Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири

## ОНА ДУОСИ

*Ўғлонни ҳарбийга кузатаётиб...*

**Одам Ато ҳимматидан сўрадим,**
**Сени жоним пардасига ўрадим.**
**Тўлпичадай йўлга кирдинг сен қачон, -**
**Камзулчангга жийда-бодом қурадим.**
**Қизил гулдай тарзи бўлсин йигитнинг,**
**Билаклари гурзи бўлсин йигитнинг.**
**Қаторинда нори бўлган халқ ўлмас.**
**Юрт қўриқлаш фарзи бўлсин йигитнинг.**
**Ол бўлсин-а, ол бўлсин-а, ол бўлсин,**
**От танласанг – офтоб нури ёл бўлсин.**
**Тангрим сени паноҳинда асрасин,**
**Пешонангда борса-келар фол бўлсин.**
**Бошимдаги олмос жиғам, омон кел.**
**Белимдаги кумуш тўғам, омон кел.**
**Келгунингча қанча тойлар от бўлар,**
**Бўйларингга жон садағам, омон кел.**
**Суқсур болам, сарҳадларда сергак тур,**
**Чорлоқ болам, денгизларда чаппар ур.**
**Каклик болам, тоғликларда сайрон юр,**
**Кийик болам, қумликларда равон юр.**
**Тўқайларда арслон каби ариллаб,**
**Даралардa бўрон бўлгил гуриллаб.**
**Қуйруғига сир айтмайди қулонлар,**
**Қоплон бўлгин, ёвинг қочсин зириллаб.**
**Сен оҳ десанг, қирқта жоним чиққудай,**
**Тоғларимни қора ғурбат йиққудай.**
**Товонингга тикан кирса баногоҳ,**
**Менга тегар замбаракнинг ўқидай.**
**Момо Ҳаво ҳимматидан сўрайман,**
**Сени жоним пардасига ўрайман.**
**Аркдай бўлиб, остонангдан кириб кел,**
**Яратгандан ҳар кун шуни сўрайман.**
**Мен дуогўй йўлларингга қарайман...**

Юз туман нопок эрдин яхширок
Пок хотинлар оёғининг изи.

**Алишер НАВОИЙ**

Кўча севгиси уйни барбод этар,
Уйингни хотин меҳри обод этар.

**Шайх САЪДИЙ**

Оқила, тадбиркор, бўлса гар аёл,
Қўлидаги игнаси найзаю ўқ мисол.

**ДЕҲЛАВИЙ**

## ДОНИШМАНДЛАР АЁЛЛАР ҲАҚИДА

Аёл фидойиликни тушунибгина қолмай, ўзини фидо қилишни ҳам билади.

**И.ТУРГЕНЕВ**

Қиз боланинг жамики бойлиги – унинг номуси, бу бойлик ҳар қандай меросдан ҳам қимматлидир.

**В.ШЕКСПИР**

Аёл эркак зотининг буюк мураббийсидир.

**Ф.ФРАНС**

Аёлларга хос ўлмас назокат яхши эркакларга ҳамиша қанот бағишлаб келган.

**Р.РОЛЛАН**

Бизнинг хотинларга ҳаё - фазилат,
Вафо - ҳунаридир, меҳнат – одати.

**Ғафур ҒУЛОМ**

Фарзанд гулдир, она бир бўстон,
Шунинг билан олам гулистон.

**Ҳамид ОЛИМЖОН**

Цивилизация тарихи аёл ўзининг нимага қодир эканлигини сезгандан кейин бошланади. Унгача одамлар ёввойи табиатнинг бежилов истакларига банди яшаганлар.

* * *

Аёл бўлиб туғилиш илоҳий ҳукм, аммо, аёллик мудом шахсий қисматдир.

* * *

Юбилей арафасида икки марта Нобель мукофоти совриндори Мария Кюридан сўрашибди:

-Нима совға қилишларини сўрайсиз?

-Изланишларимни давом эттириш учун бир грамм радий. Ўзимда уни сотиб олишга пул йўқ.

Шундай буюк олиманинг ҳатто никоҳ кўйлаги ҳам бўлмаганини ҳозирги ёшлар билармикан...

**Тўпловчи: Ҳ.ТОШХЎЖАЕВ**

## ОДАТИ – САДОҚАТ, ҲАЁСИ – ЗИЙНАТ

(Боши 1-бетда)

Вақтдан ютиш мақсадида арабларга турли совғалар инъом этади. Лекин, Убайдуллоҳ ибн Зиёд ўз нафсини тия олмайди. Унинг ўрнига келган Саййид ибн Усмон ҳам Бухоро ва Самарқандда талончилик юришларини авж олдириб юборгач, Бухорхудот ва Самарқанд Ихшиди (ҳокими) арабларга қарши умумхалқ қўзғолонини бошлайди. Араблар катта талофат кўрадилар.

Ватанимизнинг Биринчи жаҳон уруши даври тарихини варақлар эканмиз, унда оналаримизнинг чор мустамлакачиларини ўзбек йигитларини фронт ортидаги машаққатли оғир жисмоний ишларни бажариш учун мардикорликка мажбуран чақириб, уларни ҳар қандай инсоний ҳуқуқларини поймол этиб, Россиянинг қаттиқ совуқ қиш шароитида оғир ишларни бажаришга сафарбар этган чоғларида оналаримизнинг кўкракларини қалқон этиб чиққанларини кўрамиз.

Умуман, 1915-1916 йилларда қаҳатчилик сабабли Ўзбекистоннинг деярли ҳамма шаҳарларида аҳоли жунбушга келган эди. Тошкентда эса "Аёллар бунти" ("бабьи бунты") деб аталмиш исён кўтарилди. Маҳаллий ҳукумат уларни тарқатиб юбориш учун қуролланган полицияни чақиришга мажбур бўлди. Чор ҳукумати маъмуриятининг ибораси билан айтганда, Тошкентда "Бошқариш тартибига қарши жиноятлар" авжига чиқди.

1916 йилда Ўзбекистон халқларининг мардикорликка қарши оммавий қўзғолонлари бошланди. Жумладан, 11 июлдаги Тошкент аҳли Олмазор даҳасидаги пристав Мочалов бошчилигидаги полициячилар маҳкамасига бостириб кириб, мардикорликка боришдан бош тортаётган фуқароларни таъқиб этишни тўхтатишларини талаб қилдилар. Қўзғолоннинг кенг авж олишини кўрган Мочалов подполковник Савицкий қўмондонлигидаги прапорщиклар ротасини ёрдамга чақирди. Савицкий бошлиқ ротанинг келиши қўзғолончиларни қўрқитмади. Шунда қўзғолончилар "фарзандларимизни мардикорликка юборгандан кўра, ўлганимиз афзал!", деган қийқиришлар остида Россияга мардикорликка юбориш учун фамилиялари ёзилган маҳаллий йигитларнинг рўйхатларини йиртиб ташлаб, полиция биносига бостириб кирдилар. Бошқарма биноси деразалари тошбўрон қилинди. Буни кўрган пристав Мочалов халққа қарата ўт очиш тўғрисида буйруқ берди. Бундан ғазабланган Рўзвонбиби Аҳмаджонова юзидаги чачвонини олиб ташлаб: "Нега ёшларни ўлдиряпсизлар? Келинг, мени ўлдиринглар, аммо фарзандларимизни сизларга бермаймиз!", деб қичқирди.

Бу ҳолдан ваҳшийлашган Олмазор даҳаси приставй Мочалов мард она – Рўзвонбибини ўз қўли билан отиб ташлади. 1916 йил 19 июлда бўлган ана шундай воқеалар Қорақалпоғистон ҳудудида Авез Тўти Оразбейганова, Чимбойда Салима мулла Шалимова, Гулзода Тангриберганова, Ойгул Мембетова ва бошқа кўпгина оналаримиз эркаклар билан бир қаторда оламдан ўтиб кетдилар.

Иккинчи жаҳон уруши ҳам жаҳон хотин-қизлари ҳаётидан, жумладан, гарчи фронтдан йироқда бўлса-да, Ўзбекистонимизда истиқомат қиладиган хотин-қизлар ҳаётида катта меҳнат жасоратларини кўрсатишларини тақозо этди.

Саноат ишлаб чиқаришига хотин-қизлар айниқса фаол жалб қилинди. Агар 1940 йилда саноатда ишловчилар орасидаги хотин-қизлар салмоғи 34,0 фоизни ташкил этган бўлса, 1942 йилга келиб бу кўрсаткич ўсиб, 63,5 фоизга етди.

Ҳарбий завод ишчиси М.Алиева, "Тоштрам" вагон таъминлаш заводининг темир рандаловчиси Пушкарева икки станокда ишлаб, 1941 йилнинг июл кунларида ишлаб чиқариш топшириғини 350-470 фоиздан адо эта бошладилар.

Тошкент вилояти Паркент тумани Навдак қишлоғидаги Йўлдош Охунбобоев номли жамоа хўжалигида истиқомат қилган, 4 фарзандлари: Олимхўжа, Турсунхўжа, Султонхўжа ва 17 ёшида фронтга кўнгилли бўлиб жўнаб кетган Зикриёхўжаларнинг оналари Ойтўрахон ойи Шорустам қози қизлари турмуш ўртоқлари Тошпўлат Эшонхўжаев ва келинлари Адолатхон ва Мукаррамхонлар билан 4 қути ипак қурти боқиб, ҳар бир қутидан 105 килограммдан пилла олишга муваффақ бўлганлар.

Ўзбекистонлик аёллар нафақат фронт орқасида, балки урушнинг энг алангали майдонларида ҳам тарихда мисли кўрилмаган из қолдирдилар. Масалан, Москва учун олиб борилган жангларда ўзбек халқининг жасур қизларидан 28 фашистни ер тишлатган Зебихон Ғаниева ҳам бор эди. У мардлиги ва жасорати учун Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. "Сталинград жанги"да алоқачи жангчи қиз Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институти тарих факультетининг 3-курсидан фронтга кўнгилликлар қаторидан кетган, собиқ талаба Елена Стемпковская қаҳрамонларча ҳалок бўлиб, ўлимидан сўнг унга Қаҳрамонлик унвони берилди.

Ўзбек халқининг азалий орзуси – мустақилликка эришгач, аёлларимизнинг ҳар жабҳадаги парвозлари учун катта имкониятлар яратилиб берилди. Бугунги кунда бепоён Ватанимизнинг ҳамма гўшаларида тадбиркор аёл, фермер аёл, илм-фан, касб-ҳунар асосларини қунт билан эгаллаб келаётган умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-ҳунар билим юртлари, олий ўқув юртлари бағрида минглаб хотин-қизларимиз ватанимиз равнақи йўлида миллий истиқлолимиз инъом этган туҳфалардан шукроналик билан баҳраманд бўлмоқдалар.

Мустақил Ўзбекистон оналарининг пешонасини ҳар тонг ҳурлик еллари силайди. Бу еллар асло тинмасин.

**Турғун ТОШПЎЛАТОВ,**
**шарқшунос.**

## УНИНГ МАНФААТИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

***Жамиятда аёллар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда чора-тадбирлар кучайтирилаётганига қарамай, ҳамон бу борада жиддий муаммоларга дуч келиняпти.***

Аёлларга жабр-зулм ўтказиш ҳолатлари, вояга етмаган қизларнинг турмушга узатилиши, катта оилаларда келинларнинг тенг ҳуқуқсизлиги, никоҳга киргандан сўнг ўқишни давом эттириш, меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ва бошқа масалаларнинг аёлга боғлиқ эмаслиги шулар жумласидандир.

Суд амалиёти шуни кўрсатадики, аёлларнинг хўрланишига олиб келадиган эрта никоҳдан ўтиш, қиз ўғирлаш, зўрлаб эрга бериш ва хотин устига хотин олиш ҳолатларига ҳамон дуч келинмоқда.

Масалан, Олот туманининг чекка бир қишлоғида истиқомат қилувчи Умеда исмли қизни Аҳмед исмли йигит ўзининг икки ўртоғи билан унга уйланиш ниятида мажбурий равишда машинага босиб олиб қочади. Ваҳоланки, никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлиликка асосланади. Натижада зўрлаб никоҳ тузишга қаратилган ғайриқонуний ҳаракат Аҳмед ва шерикларининг жиноий жавобгарликка тортилиб, жазоланиши билан якунланди.

Ёки Бухоро шаҳар судида айбланувчи Б.Жамоловга нисбатан кўрилаётган жиноят ишини олиб қарайлик. У доимий равишда зўравонлик қилиб келгани учун хотини уйдан бош олиб онасиникига кетади. Шундан сўнг ўзаро жанжал содир бўлиб, унда Б.Жамолов хотинининг юзига "сен билан яшамайман", дегани учун сирка сепиб, оғир тан жароҳати етказади.

**ҲУҚУҚ**

Шу ўринда бир жиҳатни таъкидлаш жоизки, хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилигининг қонуний асослари бузилиши билан боғлиқ муаммолар, жумладан, оиладаги зўравонлик билан боғлиқ масалалар алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган. Балки бундай зўравонликлар ҳаётга, соғлиқ, жинсий дахлсизликка, шахс эркинлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши бўлган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларга бўлиниб, оиладаги зўравонлик ҳақидаги ишлар содир этилган қилмишнинг оғир-енгиллигига қараб, Ўзбекистон Республикаси ЖК ва МЖтКга асосан кўриб чиқилади.

Умуман олганда, касалликнинг олдини олган яхши, деганларидек, бундай ноxуш ҳолатларга йўл қўймаслик чора-тадбирларини қўлламоқ лозим. Яқинда Очиқ жамият институти кўмак жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Бухоро вилоятида яшовчи оила зўравонлигига учраган хотин-қизларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича грант ажратгани бу йўлда муҳим қадам бўлди.

Ушбу грант асосида 2003 йилда вилоят адвокатлар ҳайъатининг уч аъзоси жойларда бепул юридик ёрдам кўрсатадилар. Бундан мақсад, хонадонларда, оилаларда юз бераётган ва юз бериш эҳтимоли бор бўлган зўравонликларга тўсқинлик қилиш, уларнинг олдини олиш ва бундай иллатларнинг йўқолиб боришига ҳисса қўшишдан иборатдир.

Албатта, эҳтимол бу қилиниши лозим зарур амалий чораларда дарёдан томчи бўлиши мумкин. Бироқ, тома-тома кўл бўлур, деганларидек, жамият бўғини – оила мустаҳкамлигини таъминлаш, оилада аёл манфаатларини ҳимоя этишда қилинган ҳар бир эзгу ишимиз бесамар кетмаслиги аниқ.

**Тошпўлат САЙИТОВ,**
**Бухоро вилояти адвокатлар ҳайъатининг раёсат раиси.**




Б.АКРАМОВ олган сурат.

## НИМТАБАССУМ

**-Сен сузишни биласанми?**

**-Ҳа, биламан.**

**-Сув остида қанча вақт тура оласан?**

**-Сувдан тортиб чиқаришгунча тура оламан.**

* * *

**Дорихонада сотувчидан бир мижоз сўрайди:**

**-Ана бу алоҳида сақланаётган қандай дори?**

**-Мен бу дорини дўхтир буюртмасини ўқий олмаганимда бераман.**

* * *

**-Қизиқ, илгари хотинларни эркакларнинг нимаси ўзига тортган экан?**

**-Илгари деганинг қачон ўзи?**

**-Ҳали пул кашф этилмасдан аввал.**

* * *

**Тўй арафасида она турмушга чиқаётган қизига деди:**

**-Қизим, энди сен билан бир нозик масала хусусида гаплашиб олишим керак.**

**-Марҳамат, ойижон, нимани билишни истайсиз?**

* * *

**-Эрталаб эрингизни деярли кўрдим ҳисоб.**

**-"Деярли" деганингиз нимаси?**

**-Машинасининг рақами "22-15"ми?**

**-Ҳа, шундай.**

**-Мен эса "22-16" рақамли машинани кўрдим.**

* * *

**-Биласизми? – дея бошлиқ ходимига танбеҳ бера бошлади, - ҳали ҳеч ким меҳнатдан ўлгани йўқ.**

**-Биламан, лекин таваккал қилишга не ҳожат? Мен биринчи қурбон бўлишни истамайман.**

* * *

**Бир аёл фол очириш учун фолбин аёлникига борди.**

**-Яқинда эрингизга ҳужум қилишаркан, - деди фолбин, - натижада эрингиз ҳалок бўларкан.**

**-Мени-чи, мени қамашадими ёки қўйиб юборишадими?**

**Даврон ЖАВЛОН тайёрлади.**

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Носир ЮСУПОВ (раис), Азим АЮПОВ, Абдуманноп АҲМАДАЛИЕВ, Ойбек ЁҚУБЖОНОВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Пўлат КАЗИЕВ, Рафиқ МАТЧОНОВ, Икром НАЖМИДДИНОВ, Шодиқул НИШОНОВ, Қобилжон ТОШМАТОВ, Муҳаммаджон ХУДОЁРОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Фозил ЮСУПОВ, Икромжон ЎРИНБОЕВ, Искандар ҚАЛАНДАРОВ, Эргаш ҚУРБОНОВ, Ўринбой ҲАСАНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 133-09-93 (факс), 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42, реклама ва эълонлар – 136-56-30.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: А.АЛИҚУЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-122, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00 Адади 18 236

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com